



## Ислом Нури

Идишлар – сув ва бошқа нарсалар солинадиган ва сақланадиган идишлар бўлиб, темирдан ясалганми, ёғочданми, териданми ё бошқа нарсаданми, фарқсиздир.

Идишларнинг асли мубоҳдир. Ҳар қандай тоза идишни ишлатиш жоиз, фақат қуйидаги икки турли идишлар бундан мустасно:

1) Соф тилла ва кумуш идишлар, таркибида тилла ё кумуш бўлган, тилла ё кумуш суви юритилган идишлар. Синган, дарз кетган идишни чегалаш (тузатиш) учун оз миқдорда заруратан ишлатилган кумуш симлар бундан мустасно. Тилла ва кумуш идишлар ишлатиш ҳаромлигига далил қуйидаги ҳадислардир:

**«Тилла ва кумуш идишда ичманглар ва еманглар! Чунки, бу нарса дунёда улар (яъни кофирлар) учун, охиратда эса биз учундир»** (Муттафақун алайҳ, Хузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган).

**«Кумуш идишда ичадиган киши қорнига жаҳаннам ўтини симираётган бўлади»** (Муттафақун алайҳ, Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган).

Бир нарсадан қайтаришлик ўша нарсанинг ўзини ҳам, унинг бўлакларини ҳам ўз ичига олади. Бинобарин, тилла ё кумуш билан қопланган, тилла ё кумуш суви юритилган, таркибида тилла ё кумуш бўлган идишлар барчаси ҳаром, фақат юқорида айтиб ўтганимиздек, зарурат юзасидан оз миқдорда кумуш парчаси ишлатилса, ҳаром бўлмайди. Бунга далил Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиски: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадаҳлари синиб қолди, шунда синган жойига кумуш занжир**



## Ислом Нури

(сим) **қилдирдилар»** (Имом Бухорий ривояти).

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Унда (яъни, тилла ва кумуш идишда) еб-ичиш ҳаром қилинган эканига ижмоъ бўлган. Истеъмолнинг барча турлари билиттифоқ еб-ичиш маъносидадир».

Уларни ишлатиш ҳаромлиги эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам омдир. Чунки, бу борадаги хабарлар умумий, хосланган эмас. Фақат аёлларга ўз турмуш ўртоғига зийнатланиш зарурати туфайли (тилла ё кумуш билан) зийнатланишга рухсат берилган.

Кофирларнинг ишлатаётган идишларини – модомики нажас экани билинган бўлмаса – ишлатиш мумкин. Агар нажас экани маълум бўлса, ювиб-тозалаб, кейин ишлатилади.

2) Ўлимтик (ҳаром ўлган ҳайвон) терисини ишлатиш ҳаром, уни ошлангандан кейингина ишлатса бўлади. Ошлангандан кейин ишлатиш борасида ҳам уламолар ўртасида хилоф бор, тўғрироғи жоизликдир ва бу жумҳурнинг сўзидир. Чунки, ошлангандан кейин ишлатиш жоизлиги ҳақида саҳиҳ ҳадислар мавжуд, унинг нажосати фавқулодда (кейин пайдо бўлган, вақтинча) бўлиб, ошлаш билан кетади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Сув ва қараз** (ошлаш учун ишлатиладиган ўсимлик номи) **уни** (яъни, ўлимтикнинг терисини) **поклайди**» (Абу Довуд, Насойй ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2163), деганлар, яна: «**Терини ошлаш уни поклашликдир**» (Абу Довуд, Насойй ва бошқалар ривоятлари, Саҳиҳул-жомиъ: 3359), деганлар.

Кофирларнинг кийимларини кийиш – агар нажосати аниқ бўлмаса – мубоҳ (мумкин),



чунки, асл-асос поклик бўлиб, у шак билан кетмайди. Улар тўқиган ё  
бўяган  
кийимлар мубоҳдир. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам  
ҳам, асҳоблари  
ҳам кофирлар тўқиган ва бўяган кийимларни киярдилар. Валлоҳу  
таоло аълам.